
**ТАБИЙ РЕСУРСЛАР ХУКУҚИ. АГРАР ХУКУҚ.
ЭКОЛОГИК ХУКУҚ**

Жуманов Азамат Оралбаевич,

Қорақалпоқ давлат Университети
"Хуқуқшунослик" кафедраси таянч
докторанти

*Келиб тушган сана 10 апрель, 2018
Эълон қилинган сана 25 июнь, 2018.*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-3-6>

**АҲОЛИНИНГ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИДАН
Фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашда
ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ**

Аннотация: Бу мақолада аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашда экологик экспертизанинг ўрни ва роли таҳлил қилинади. Экологик экспертизанинг аҳамияти ва унинг ҳуқуқий асослари ўрганилади.

Таянч сўзлар: қонун, экспертиза, сув, ҳуқуқ, экология

Жуманов Азамат Оралбаевич,

Докторант кафедраси "Правоведение"
Каракалпакского государственного
университета

**РОЛЬ И МЕСТО ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ЭКСПЕРТИЗЫ
ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРАВА ПОЛЬЗОВАНИЯ ЧИСТОЙ
ПИТЬЕВОЙ ВОДОЙ НАСЕЛЕНИЯ**

Аннотация: В данной статье проанализирована роль и место экологического экспертизы обеспечение права пользование населения. Изучены правового основы и важность экологического экспертизы.

Ключевые слова: закон, экспертиза, вода, право, экология

Zhumanov Azamat Oralbaevich,

Doctoral student of the Department of
"Jurisprudence" of the Karakalpak State
University

**ROLE AND PLACE OF ENVIRONMENTAL EXPERTISE
ENSURING THE RIGHT TO USE PURE DRINKING
WATER OF THE POPULATION**

2018 №3

Annotation: In this article has been analyzed the role and place of environmental expertise ensuring the right to use the population with pure drinking water. The legal basis and importance of environmental expertise has been studied.

Key words: law, expertise, water, law, ecology

Ичимлик сувининг танқислиги ва унинг сифати пасайиши ҳалқаро, глобал характердаги мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммо ҳисобланиб, унинг инсон соғлиги ва демографик вазиятга салбий таъсири бугунги кунда долзарб муаммолардан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 21 апрелда "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармон қабул қилиниб, унда республикада экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш, экологик ҳолатни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар соғлигига зарарли таъсирининг олдини олиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилганлиги[1] сув бойликларини муҳофаза қилишнинг ташкилий асосларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашда экологик экспертизанинг ролини ошириш заруриятига ҳеч шубҳа бўлиши мумкин эмас. Чунки, экологик экспертиза аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашда самарали воситаларидан бири ҳисобланади.

Экологик экспертизани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонуни билан тартибга солинади. "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасига кўра, "Экологик экспертиза деганда, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза объектини руёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш тушунилади"[2].

Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш умумий ва алоҳида характерга эга. "Атроф табиий муҳитга таъсирни баҳолаш", "жамиятнинг экологик хавфсизлиги", "экологик экспертиза"си тушунчаларининг мазмун-моҳияти ва бир-бирига муносабати аниқлангандан кейингина юқорида тилга олинган ҳимоянинг умумий ва алоҳида характерини бир-биридан фарқлаш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонуни барча турдаги фаолиятнинг экологик хавфсизлик талабларига, шу жумладан, экологик хавфсизликни таъминлаш талабларига қанчалар мослигини аниқлаш бўйича экологик экспертиза тайёрлаш ва ўтказиш учун манбавий ҳужжат ҳисобланади[3].

Айнан шу сабабдан умумтанолинган экологик экспертиза таркибида биз давлат экологик экспертизасининг бошқа турларини ҳам ажратиб кўрсатамиз. Бунда албатта, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги жамоат экологик экспертизаси тўғрисидаги умумий тасаввурлар давлат экологик сиёсатини амалга

оширишда фуқаролар ва жамоат ташкилотлари иштирокининг шакли сифатида сақлаб қолинади.

Табиатни муҳофаза қилиш борасидаги амалдаги қонунчиликда давлат экологик экспертизасининг қўйидаги турлари тилга олинади: а) умумий экологик экспертиза; б) атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг тиббий-эпидемиологик экспертизаси; в) хавфли саноат объектларининг ишлаб чиқариш хавфсизлиги экспертизаси; д) шаҳар қурилиш соҳасида архитектура-қурилиш экспертизаси. Атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасидаги давлат экспертизаси Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси[4] қоидаларига асосланади.

Маълумки, аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашда давлат экологик экспертизаси муҳим аҳамиятга эга. Экологик экспертиза - бу экологик ҳуқуқий механизмнинг таркибий қисми сифатида атроф табиий муҳитнинг барқарорлигини сақлаш, табиий бойликлардан унумли ва самарали фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонунининг 3-моддасига асосан, экологик экспертиза қўйидаги мақсадларда ўтказилади: мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдинги босқичларда бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш; режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа фаолият атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, бундай фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини аниқлаш; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарлилиги ва асослилигини аниқлаш. Давлат экологик экспертизаси экологик хавфсизликни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, объект ҳақида салбий хулоса берилган тақдирда ушбу объект фаолияти бекор бўлиши мумкин. Демак, давлат экологик экспертизаси экологик экспертиза тизимида алоҳида ўринни эгаллайди ва экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Махсус илмий адабиётларда экологик экспертиза объектларини аниқлаш масаласида ҳам турли фикрлар учрайди[5,47бет]. Чунончи, экологик хавфсизлик объектлари сирасига инсон ва жамиятни, давлат ва унинг органларини киритиш лозим, деб ҳисоблайдиган ҳуқуқшунос олимлар Н.Н.Веденин ва В.В.Петровларнинг фикрига умуман қўшилиб бўлмайди[6,251бет]. Инсон жисмоний шахс сифатида, гарчи у Ўзбекистон фуқароси бўлмаса-да, экологик ва бошқа ҳуқуқий муносабатларда фақат ўша муносабатлар субъекти сифатида муомалага кириши мумкин ва лозим. Бизнингча, инсон ва фуқаронинг соғлиғи ва ҳаёти баҳолаш объекти бўлиши мумкин.

Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш давлат экспертизасини ўтказишда баҳолаш ва таҳлил объектлари бўлиб, сув объектлари ва улар билан муносабатда бўлиш хавфсизлигини асослантирадиган материаллар ва ҳужжатлар майдонга чиқади. Экологик экспертиза объекти деганда, қонун чиқарувчи юридик ва жисмоний шахсларни эмас, балки, хўжалик ҳамда бошқа фаолиятнинг экологик хавфсизлигини асослантирувчи турли хил материаллар ҳамда ҳужжатларни назарда тутати.

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ, хўжалик ва бошқа фаолият натижасида атроф табиий муҳитда аҳоли соғлиғига, табиий экологик тизимлар ҳолатига таҳдид солувчи барқарор салбий ўзгаришлар юз бераётган участкалари фавқулодда экологик вазият зоналари деб эълон қилинади. Бундай участкаларга мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи қарори ёки Ўзбекистон Президентининг фармойиши билан давлат экологик экспертизаси хулосаси асосида фавқулодда ҳуқуқий мақом берилади. Айнан шу сабабдан ушбу материаллар давлат экологик экспертизаси объектлари сирасига киритилади.

Ҳудуднинг фавқулодда экологик вазият зонаси ёки экологик офат зонаси деб эълон қилиниши хўжалик фаолиятини амалга оширишда маълум чеклашларга олиб келади. Масалан, фавқулодда экологик вазият зонасида атроф табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган фаолият тугатилади, инсоннинг соғлиғи ва унинг генетик фондига нохуш таъсир кўрсатадиган ҳар қандай иш турлари тўхтатилади, табиатдан фойдаланишнинг баъзи турлари чеклаб қўйилади, табиий ресурсларни тиклаш ва қайта яратиш бўйича тезкор чоралар кўрилади. Экологик офат зонасида эса, бундан ҳам жиддийроқ чора-тадбирлар назарда тутилади. У ерда яшайдиган аҳолига хизмат кўрсатадиган корхоналардан ташқари, барча хўжалик объектларининг фаолияти тугатилади, табиатдан фойдаланишнинг барча турлари жиддий чеклаб қўйилади[7,33бет].

Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш экспертизасини тайёрлаш ва ўтказиш қуйидаги йўналишлар бўйича талабларни ўзида мужассам этади: тақдим этилган материаллар ва ҳужжатларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги; сув хавфсизликни таъминлаш экспертизасини ташкиллаштириш ва ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишда сўралган фаолиятни текшириш; экспертиза ўтказиш графигини ва вазифаларини ишлаб чиқиш; сўралган фаолиятнинг сув хавфсизлигини асословчи ҳужжатлар таркибини белгилаш; эксперт комиссиясини тузиш; экспертизада иштирок этадиган экспертларнинг таркиби ва билимларига қўйиладиган талабларни белгилаш; эксперт хулосаларига қўйиладиган талабларни белгилаш.

Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш экспертизасининг аниқ объекти бўйича эксперт комиссияси қарорини тасдиқлаш эксперт муносабатларининг натижаси ҳисобланади. Эксперт комиссияси хулосаси ижобий бўлса, сувдан фойдаланишни амалга ошириш учун рухсат(лицензия) берилади. Бунда албатта, лицензияга эксперт комиссияси таклифлари ва хулосалари тиркаб қўйилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бoshқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-5024-сонли Фармони./Халқ сўзи, 2017 йил 22 апрель (O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish to'g'risida"gi PF-5024-sonli Farmoni./Xalq so'zi, 2017 yil 22 aprel)

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000, 5-6-сон, 144-модда (O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. 2000, 5-6-son, 144-modda)

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000, 5-6-сон, 144-модда (O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. 2000, 5-6-son, 144-modda)

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002, 5-сон, 90-модда (O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 2002, 5-son, 90-modda)

5. Нуридуллаев А. Экологик экспертизанинг ҳуқуқий тавсифи ва юридик табиати. //ТДЮИ Ахборотномаси, 2009. №1. -Б. 47-49; Аҳмедов У.А. Экологик экспертизани ҳуқуқий тартибга солишнинг юридик табиати. //Экологик қонунчиликни қўллаш механизмини такомиллаштириш муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари. -Т.:ТДЮИ, 2007. -Б. 224-228; Черп О.М., Виниченко В.Н., Хотулёва М.В., Молчанова Я.П., Дайман С.Ю. Экологическая оценка и экологическая экспертиза. Монография. -М.: Эколайн, 2000; Ли Норман. Экологическая экспертиза. Учебное пособие. Перевод с англ. / Ред. Говорущин Н.И. - М.:Экопресс, 1995. - С. 32. ва б.қ. (Nuridullaev A. Ekologik ekspertizaning huquqiy tavsifi va yuridik tabiati. //TDYuI Axborotnomasi, 2009. №1. -B. 47-49; Ahmedov U.A. Ekologik ekspertizani huquqiy tartibga solishning yuridik tabiati. //Ekologik qonunchilikni qo'llash mexanizmini takomillashtirish muammolari: Ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. -T.:TDYuI, 2007. -B. 224-228; Cherp O.M., Vinichenko V.N., Xotulyova M.V., Molchanova Ya.P., Dayman S.Yu. Ekologicheskaya otsenka i ekologicheskaya ekspertiza. Monografiya. -M.: Ekolayn, 2000; Li Norman. Ekologicheskaya ekspertiza. Uchebnoe posobie. Pervod s angl. / Red. Govorushin N.I. - M.:Ekopress, 1995. - S. 32. va b.q.)

6. Петров В.В. Экологическое право России. -М.:БЕК, 1995. -С. 251-257 (Petrov V.V. Ecological Law of Russia. -М.: БЕК, 1995.-P. 251-257)

7. Виноградов В.В., Кузьмич В.Н., Назаревский В.Н. Определение зон экологического кризиса и бедствия на территории РФ и их законодательное оформление. //Государство и право, 1995. № 4. С. 33-34 (Vinogradov VV, Kuzmich VN, Nazarevsky V.N. Identification of zones of environmental crisis and disaster in the territory of the Russian Federation and their legislative design. // State and Law, 1995. № 4. P. 33-34)